# СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР ҚАРДОШ ПАРТИЯЛАРИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

1983 йил 9 декабрь куни Москвада социалистик мамлакатлар Коммунистик ва Ишчи партиялари Марказий Комитетларининг халқаро ва идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарлари кенгаши бўлиб ўтди. Кенгашда:

Болгария Коммунистик партиясидан — БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. Балев, БКП Марказий Комитетининг секретари Д. Станишев, БКП Марказий Комитетининг секретари С. Михайлов;

Венгрия Социалистик ишчи партиясидан — ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари М. Овари, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Д. Ацел, ВСИП Марказий Комитетининг секретари М. Сюреш;

Вьетнам Коммунистик партиясидан — ВКП Марказий Комитетининг секретари Чан Суан Бать;

Германия Бирлашган социалистик партиясидан — ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари К. Хагер, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Г. Аксен, ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Й. Герман;

Куба Коммунистик партиясидан — Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва секретариатининг аъзоси Х. Рискет Вальдес, Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретариатининг аъзоси А. Перес Эрреро;

Лаос Халқ-революцион партиясидан — ЛХРП Марказий Комитетининг секретари Саман Виякет;

Монголия Халқ революцион партиясидан — МХРП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Д. Гомбожав, МХРП Марказий Комитетининг секретари Г. Адья;

Польша Бирлашган ишчи партиясидан — ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Ю. Чирек, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Я. Глувчик, ПБИП Марказий Комитетининг секретари Г. Беднарский;

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари К. У. Черненко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. В. Зимянин, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков;

Чехословакия Коммунистик партиясидан — ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари В. Биляк, ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Марказий Комитет секретари Я. Фойтик иштирок этдилар.

Кенгаш ишида қардош партиялар Марказий Комитетларининг бўлим мудирлари ва бўлим мудирларининг ўринбосарлари, бошқа масъул ходимлар ҳам қатнашдилар.

АҚШ маъмуриятининг айби билан Европадаги ядро қуролларини чеклашга бағишланган Женева музокаралари барбод бўлганлиги натижасида кескин тус олган халқаро вазият хусусида фикрлашув ўтказилди. Шу шароитда сиёсий, ахборот-пропаганда ишининг актуал вазифалари муҳокама қилинди.

ГФР, Буюк Британия ва Италияда Американинг янги ракеталари жойлаштирила бошланганининг хатарли оқибатларига алоҳида эътибор қаратилди. АҚШ билан НАТО жаҳондаги стратегик вазиятни қандай қилиб бўлмасин ўз фойдасига ўзгартиришга, кучларнинг вужудга келган тахминий мувозанатини бузишга, социалистик мамлакатлар учун қўшимча ядро хавфи вужудга келтиришга интилаётганликларини кенгаш қатнашчилари таъкидлаб ўтдилар. Социализмга ва барча тараққийпарвар кучларга қарши «салб юриши» ташкилотчиларининг агрессив йўлини қўллаб-қўлтиқлаётган кимсалар калтабин сиёсат ўтказмоқдалар, ўз халқларини Американинг ҳарбий-саноат комплекси ғаразли режаларига бўйсундиришга дучор қилмоқдалар. Натижада социализм мамлакатлари учунгина эмас, шу билан бирга бутун Европа учун, АҚШнинг ўзи учун барча халқлар учун ҳам хавф-хатар кучаймоқда, термоядро ҳалокати хавфи ортиб бормоқда.

Европада Американинг янги ракеталари жойлаштирилиши Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгашнинг якунловчи акти руҳидан жиддий равишда чекинилганлигини билдиради, бу эса Хельсинкида ишлаб чиқилган йўлни давом эттиришни қийинлаштиради.

Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар кўрган жавоб чоралари ноилложликдан кўрилган зарур чоралар эканлиги кенгашда таъкидлаб ўтилди. Бу чоралардан кузатилган мақсад — социалистик мамлакатларнинг хавфсизлигини ҳимоя қилишдан, кучларнинг ҳозирги шароитда тинчлик гарови бўлиб турган мувозанатини сақлаб қолишдангина иборат.

Халқаро кескинликни кучайтираётган Америка империализми қўпол зўравонлик сиёсатини амалга оширмоқда, мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашмоқда. Кенгаш қатнашчилари қардош партиялар ва халқларнинг социалистик Куба билан, Никарагуа билан, Гренада, Сальвадор, Марказий Америкадаги бошқа мамлакатлар халқларининг одилона кураши билан, Африка жануби халқларининг ўз озодлиги ва мустақиллиги йўлидаги кураши билан бирдам эканликларини изҳор этдилар: Вашингтон билан Тель-Авивнинг Яқин Шарқдаги агрессив сиёсатини қораладилар. АҚШнинг, бошқа реакцион кучлардан мадад олаётган Япония ва Жанубий Кореянинг кучайиб бораётган ҳарбий тайёргарликлари сабабли Осиёда ва бутун дунёда тинчликка хавф солинаётганлиги айтилди. Кенгаш Жануби-Шарқий Осиёдаги вазиятни нормаллаштириш, уни тинчлик, барқарорлик ва ҳамкорлик зонасига айлантириш соҳасида зўр бериб ҳаракат қилаётган Вьетнам, Лаос ва Кампучияни тўла-тўкис қўллаб-қувватлашини билдирди.

Қардош партияларнинг вакиллари социалистик мамлакатлар раҳбар партия ва давлат арбоблари шу йил Прагада ва Москвада тасдиқлаган принципиал сиёсий йўлнинг ўзгармаслигини уқтириб ўтдилар. Улар Совет Иттифоқининг, бошқа социалистик давлатларнинг тенглик ва баб-баравар хавфсизлик асосида Европадаги ядро қуролини ҳамда бошқа қурол-яроғларни батамом тугатишга ёки тубдан қисқартиришга, воқеаларнинг хатарли йўлдан ривожланишини орқага қайтаришга, кескинлик юмшатилишини таъминлашга қаратилган конкрет ва олисни кўзловчи таклифларидан жаҳон жамоатчилигининг турли доираларини хабардор қилиш учун қўшимча чоралар кўриш ҳақида келишиб олдилар. Шу муносабат билан Ю. В. Андроповнинг шу йил 28 сентябрь ва 24 ноябрдаги Баёнотларида ўртага қўйилган ҳамда халқ оммаси кенг миқёсда маъқуллаб кутиб олган позициялар ва таклифларнинг муҳим аҳамияти таъкидлаб ўтилди.

Социалистик мамлакатлар ўз хавфсизлигига путур етказилишига йўл қўймасликка, социализм манфаатларини ҳимоя қилишга, одилона ва мустаҳкам тинчликка эришишга сиёсий жиҳатдан қаттиқ аҳд қилганлар, бунинг учун уларнинг ҳамма имкониятлари бор, деб уқтириб ўтилди кенгашда.

Европа ва халқаро хавфсизлик проблемаларини амалий равишда ҳал қилиш учун курашаётган, кескинликни юмшатиш, ҳарбий қарама-қаршилик даражасини пасайтириш учун, социал тузумидан қатъи назар давлатларнинг тинч-тотув яшаши ва амалий ҳамкорлигини практикада рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилаётган барча давлатлар, ҳаракатлар, ташкилотлар билан ва реалистик фикрловчи сиёсий арбоблар билан алоқаларни кенгайтириш ва чуқурлаштиришга кўмаклашишга тайёрлик изҳор этилди. Европада ишонч ва хавфсизликни мустаҳкамлаш чораларига ҳамда қуролсизланишга бағишлаб Стокгольмда ўтказиладиган конференция шу мақсадларга хизмат қилиши мумкин.

Кенгаш амалий ўртоқларча ҳамкорлик, бирлик ва интернационал бирдамлик вазиятида ўтди.



●

Коммунист Вали Мубораковнинг Тошкент Компрессор заводига ишга келганига саккиз йилдан ошди. У шу вақт ичида ойлик топшириқларини мунтазам ортиғи билан бажариб ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келяпти. Коммунистик меҳнат зарбдори В. Муборaков беш йиллик шахсий планини тўрт йилда бажариш учун курашмоқда.

**СУРАТДА: заводнинг илғор пармаловчиси В. Муборaков.**

**В. Сироткин** фотоси.

●

ТРАНСПОРТ: ИҚТИСОД ВА САМАРА

## ТЕЖАМКОР МАШИНИСТ

Марғилон локомотив депоси машинисти, коммунист Михаил Сабанин беш йилликнинг учинчи йилида 5 тонна ёнилғи иқтисод қилишга сўз берган эди. Пешқадам машинист сўзи устидан чиқди. У бугунгача 7 тоннадан ортиқ ёнилғи тежаб қолиб, мусобақада ғолиблик қилмоқда.

— Михаил, мен бир нарсага ҳайронман, — деди унга бир куни депо машинистларидан Н. Третьяков, — қандай қилиб бу қадар кўп ёнилғи тежадинг?.. Илтимос, мен билан Қўқонгача рейсда бирга бориб исбот қил-чи?

Сабанин рози бўлди. У икки кунга рухсат олиб, Николай Третьяков билан рейсга чиқди. Сафар яхши тугади. Улар белгиланган манзилга 8 минут илгари бориб, қарийб 200 килограмм ёнилғи тежаб қолишди.

— Замонавий локомотивларда ҳам 30-35 процент ёнилғи тежаб қолиш мумкин, — деди М. Сабанин ўшанда ҳамкасбига юзланиб. — Ҳамма вақт йўл очиқ бўлиб, поезд муттасил илгарилаб турса ҳатто бундан кўпроқ ёнилғи иқтисод қилса бўлади...

— Бўлди, ишондим, — деди суҳбатдоши унинг елкасига қоқиб. — Қойил! Мана, сен йилнинг ўтган ўн бир ойи ичида пландан ташқари ўн бир минг тонна халқ хўжалиги юклари ташиб, 7 тонна-ю 700 килограмм ёнилғи тежаб қолибсан, офарин! Бу — биласанми, бизнинг Ўрта Осиё темир йўли шароитида жуда яхши кўрсаткич!

Михаил Сабанин — Марғилон депосининг новатор машинисти. У ўз тажрибаларини бошқаларга ҳам кунт билан ўргатяпти. Тежамкор машинист яқинда қолоқ участкага ўтиб ишлаб, кўплаб ёнилғи исроф қилаётган машинистларга тежамкорлик сирларидан амалий «дарс» беряпти.

— Партия ва ҳукуматимиз, — дейди пешқадам машинист, — халқ хўжалигида транспорт воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, ёнилғи-мойлаш материалларини ғоят тежаб ишлатишга катта эътибор беряпти. Яқинда КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети қабул қилган қарор бунинг ёрқин далилидир. Гарчанд, қарорда асосан автотранспорт хўжаликлари назарда тутилган бўлса-да, бу биз, темирйўлчиларга ҳам бевосита даҳлдор, деб ҳисоблайман...

Чунки партия сўзи — халқ сўзи! Қарорда неки айтилган бўлса, унинг ҳар бир моддасини бекаму кўст бажариб бориш — барча турдаги транспорт ходимларининг муқаддас бурчи. Биз, Марғилон депоси темирйўлчилари транспорт иши самарадорлигини ошириш ва халқ хўжалигида транспорт харажатларини камайтириш, ёнилғи-мойлаш материалларининг яхши сақланишини ҳамда уларнинг тежаб-тергаб сарфланишини таъминлаш учун бутун куч-ғайратимизни сарфлайверамиз.

Коммунистик меҳнат зарбдори М. Сабанинни коллективда ҳамма ҳурмат қилади. Депонинг М. Мусажонов, М. Ҳожиназаров, М. Отаназаров, В. Тоштанов, А. Габидинов, В. Абдуллаев, С. Старков сингари биринчи класс машинистлари унинг шогирдлари. Уларнинг ҳар бири йил бошидан буён 6-6,5 тоннадан ёнилғи тежаб қолдилар.

**Т. ҲАМИДОВ,**
**Фарғона области.**

СОВЕТЛАР ҲАЁТИ

## САЙЛОВЧИЛАР НАКАЗИ АСОСИДА

Қатортол қишлоқ Советининг (Жалолқудуқ райони) депутатлари Қўрқмас Камолов билан Комилжон Тошбоев «Пахтакор» колхозининг «Победа» участкасида медицина пунктининг тантанали очилиши маросимига таклифнома олишди. Қишлоқ аҳли депутатлар шаънига эзгу сўзларни айтдилар. Улар ана шу муҳим объектнинг ўз вақтида топширилиши тўғрисида қайғурдилар. Қурилишнинг материаллар билан таъминланишини ўз назоратларига олдилар, ишчи кучи керак бўлганда эса аҳолини ҳашарга чақирдилар. Сайловчиларнинг муҳим наказларидан бири бажарилди.

Маҳаллий Советларга сайловдан буён ўтган давр ичида Қатортолда кўпгина ўзгаришлар рўй берди. Барча қулайликлари бўлган олтмиштадан кўп уй фойдаланишга топширилди. Янги водопровод трассаси ётқизилди, мактаб қурилди, район марказига олиб борадиган йўл реконструкция қилинди. Мана шу ишларнинг ҳар бирида халқ сайлаб қўйганларнинг катта ҳиссаси бор.

Халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилаётган маҳаллий Советларнинг депутатларидан олтмишдан кўп киши қишлоқ маданиятини, турмушини, халқ маорифини, медицина хизматини, савдо-сотиқни такомиллаштириш масалаларини ҳамиша диққат-марказида тутади. Улар ҳозиргача сайловчилар наказларининг 70 процентини бажардилар.

(ЎзТАГ мухбири).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ишлаб чиқаришдаги юксак кўрсаткичлари, кўп йил самарали ишлаганликлари, дефолиация ва десикация ўтказиш, шунингдек қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ердан ғўзани туриб ишлов беришга мўлжалланган универсал машина — ОПХ-28 чанглатгич мосламаси бўлган ОВХ-28 маркали серунум янги пуркагични кўплаб ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда актив қатнашганликлари учун пахтачиликка машиналар ясаш билан шуғулланувчи давлат махсус конструкторлик бюроси бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Геннадий Иванович **Пальминга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган инженер»**; СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги Бутуниттифоқ «Союзмашхлопководство» саноат бирлашмаси «Ташхимсельмаш» заводининг темирчиси Позил **Аҳмедов**, механика цехининг бошлиғи Евгений Андреевич **Катюхов** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саноат ходими»** фахрий унвонларини берди.

СССР Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги Бутуниттифоқ «Союзмашхлопководство» саноат бирлашмасининг бир группа ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада опера ва балет санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун Самарқанд Давлат опера ва балет театрининг балет солисти Александр Владимирович **Барашков** ҳамда опера солисти Раҳматжон Мамадалиевич **Латипов** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист»** фахрий унвони берди.

## СОВЕТ ИТТИФОҚИ ЯНГИЛИКЛАРИ

**✦ КЎКЧАТОВ — Кўкчатов областидаги «Златопольский совхозининг механизаторлари кузги дала ишларини бу йил тежалган ёнилғи ва мой ҳисобига ўтказдилар. Хўжаликда ёнилғи ва мойлаш материалларини сақлаш, тақсимлаш ва ишлатиш системаси такомиллаштирилган. Барча механизаторлар учун лимит — забор карточкалари тутилган. Совхоз энг яхши нефть хўжалиги учун ўтказилган республика конкурсида ғолиб деб топилди.**

**✦ КРАСЛАВА (Латвия ССР) Латвиядаги Краслава районининг аҳолиси ўз қўрғонларидаги энергетика машина-ускуналарини қарашдан иборат ташвишдан халос бўлди. Бу иш билан шартнома асосида маҳаллий «Сельхозтехника» шуғуллана бошлади. Бу бўлим хонадонлардаги буғ қозонхоналари, водопроводлар, электр ускуналарига техникавий хизмат кўрсатиш станциясини ташкил этди. Ҳозирги вақтда Латвия қишлоқлари аҳолисига олти юзга яқин ҳар хил маиший хизмат кўрсатилмоқда.**

## МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

### ЮКЧИЛАР ТАШАББУСИ

**✦ Андижон областидаги Сўфиқишлоқ пахта тозалаш заводининг У. Абдуқодиров бошчилик қилаётган юкчилар бригадаси аъзолари ташаббус бошладилар. Улар вақтни зое ўтказмаслик учун вагонларнинг келишини кутиб қимматли лаҳзаларни бой бермасликка қарор қилдилар. Бунинг учун юкларни барвақт тайёрлаб, уларни ортиш-тушириш майдонига келтириб қўйишни таклиф қилдилар. Корхона маъмурияти бу янгиликка алоҳида аҳамият бериб, юкчилар ташаббусини қўллаб-қувватлади. Ташаббус жорий қилингач, вагонларга юклар илгаригига нисбатан 30—40 минут тезроқ ортилмоқда. Мана шу тадбир туфайли бригада шу йилнинг ўзида илгаригидек 13 минг тонна эмас, балки 15 минг тонна маҳсулот жўната олади.**

### СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Виктор Васильевич **Кротов**ни саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли унинг илтимосига кўра СССР энергетика машинасозлиги министри вазифасидан озод қилди.

* * *

СССР Олий Совети Президиуми ўртоқ Владимир Макарович **Величко**ни СССР энергетика машинасозлиги министри қилиб тайинлади.

### ФИДОКОРОНА МЕҲНАТИ УЧУН МИННАТДОРЧИЛИК

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси партия ва халқ фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнати учун КПСС Марказий Комитетининг аъзоси Виктор Васильевич **Кротов**га миннатдорчилик изҳор этди.

# ЁШЛАР ТАРБИЯСИ — МУҲИМ МАСАЛА

Меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини яхшилаш, ўсиб келаётган ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш масалалари партия ва ҳукуматимизнинг ҳамиша диққат-эътиборида турибди. Ёшларнинг бепул билим олишлари, профессионал-техник жиҳатдан ўз малакаларини оширишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Меҳнаткашларнинг соғлиғини сақлаш, меҳнат хавфсизлигини таъминлаш, касб касалликларининг олдини олиш партия ва ҳукуматимиз кўрсатаётган улкан ғамхўрликларнинг ёрқин намунасидир. Буни партия идеологик, оммавий-сиёсий ишининг актуал масалалари юзасидан КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI Пленумлари қизғин муҳокама этган ва қабул этган қарорлардан ҳам англаш мумкин. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленумида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, ҳар бир кишини меҳнат қилиш эҳтиёжини сезадиган, умумий манфаат йўлида ҳалол ишлаш заруратини равшан англайдиган қилиб тарбиялаш шу куннинг энг муҳим, энг долзарб масалаларидан бири бўлиб турибди. Янги кишини тарбиялаш, унда коммунистик меҳнатга онгли муносабатда бўлиш ҳиссини уйғотиш, ҳалоллик, виждонан ишлаш туйғуларини шакллантириш социалистик турмуш тарзининг туб негизларидандир. Аммо, партиямизнинг ана шу тарихий Пленумида яна бир карра уқтириб ўтилганидек, тарбия ишини ичкиликбозликка, порахўрлик, юлғичлик, безорилик ва текинхўрлик сингари совет турмуш тарзига ёт бўлган иллатларга қарши курашсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Маълумки, мамлакатимизда, гражданларнинг меҳнати, уларнинг ҳуқуқи ва манфаатлари қонун йўли билан ҳимоя қилинади. СССРда меҳнат қонунлари, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир тармоғида ишлаётган барча гражданларга, шу жумладан балоғат ёшига етмаган ўсмирларга ҳам тўла тааллуқли бўлиб, уларнинг меҳнати ва таълим-тарбияси социалистик қонунчилик йўли билан муҳофаза қилинади. Коммунистик партия ва Совет давлати бу соҳада барча меҳнаткашларга, шу жумладан, айниқса, ўсмир-ёшлар меҳнати ва уларнинг тарбиясига жуда катта эътибор бераётир.

Зотан, ёшлар тарбияси — Совет давлати ва жамиятининг олдида турган энг муҳим вазифалардан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади.

— Бугунги кунда мактаб партасига ўтираётган кишилар келажак йигирма биринчи асрнинг ғоят мураккаб вазифаларини ҳал этадилар, — деган эди КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. У. Черненко Пленумда қилган докладида.— Биз эса улар ана шу вазифаларни маънавий қусурлардан холи бўлиб, ўз истеъдодлари барқ уриб турган ҳолда ҳал этишларини истаймиз.

Социалистик жамият ҳаётининг асосий қонуни ҳисобланган СССР Конституциясининг 34-моддасида шундай дейилади: «СССР гражданлари ўзларининг насл-насабидан, социал ва мулкий мавқеидан, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва характери, яшаш жойи ва бошқа ҳолатларидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Иқтисодий, сиёсий, социал ва маданий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида СССР гражданларининг тенг ҳуқуқлилиги таъминланади».

Шундай экан, совет одил судлов органлари агар у ёки бу шахс бирор жиноятга юз тутса, у жиноий жавобгарликка тортилиб, тегишли жазосини олган тақдирда ҳам, кейинчалик унинг жамиятда ўз ўрнини топиб олишига ёрдам бериш ва қайта тарбиялаш, уларни жамият қонун-қоидаларини ҳурмат қилишга, умумий фойдали меҳнат қилишга ўргатиш ва бошқа тарбиявий характердаги муҳим вазифаларни ўз зиммасига олади.

Меҳнат қонунларида белгиланганидек, ўсмир ўн олти ёшга етганда, ишга кириш ҳуқуқига эга бўлади. Унинг меҳнати қонун билан ҳимоя қилинади. Балоғатга етмаган ёшлар умумий қоидага мувофиқ у ёки бу корхонага ишга қабул қилинади. Иш жойида, унинг учун синов муддати белгиланмайди. Социалистик жамиятда ўсмирлар меҳнатига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўн саккиз ёшга тўлмаган ёшлар оғир участкаларга ишга ҳамда навбатчиликка қўйилмайди. Улар тунги сменада ишлашдан озод қилинадилар. Ўсмирлар учун 36 соатлик иш ҳафтаси белгиланган. Уларга қисқа иш кунлари учун ҳам белгиланган маош тўланади. Уларнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўрта махсус ва олий маълумот олишлари ҳамда малакаларини оширишлари учун барча шароит ва қулайликлар яратиб берилган.

Болаларни коммунистик руҳда тарбиялаш ота-оналарнинг муҳим бурчи ҳисобланади. СССР Конституциясининг 66-моддасида шундай дейилган: «СССР гражданлари болаларни тарбиялаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашлари, социалистик жамиятнинг муносиб аъзолари қилиб ўстиришлари шарт». Бу вазифаларни амалга ошириш учун ота-оналарга болаларни тарбиялаш ҳуқуқи берилган.

Бу қонун болалар ва ўсмирлар тарбиясини янада яхши йўлга қўйиш учун ота-оналарга, мактаб коллективларига ва жамоат ташкилотларига жуда катта масъулият юклайди. Одатда болаларнинг ҳаммаси онадан бир хил туғилади. Шундай экан, болаларнинг яхши, ёмони бўлмайди. Халқимизда: «Бола бошидан, тарбия ёшидан», — деган нақл бор. Болани бошидан, яъни энди тетапоя бўлиб юра бошлаган пайтдан бошлаб тўғри йўлга солиш, одамийлик, поклик, саховатпарварлик, меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш ва шу йўл ҳақиқий тўғри йўл эканлигини болаларга уқтириб бориш керак. Уларга ёмон нарсаларнинг оқибати ҳамиша ёмон ишларга олиб боришини ҳам уқтириш лозим. Бунинг учун оилада соғлом муҳит бўлиши даркор. Энг муҳими — болаларни меҳнатга ўргатиш, меҳнатни ижтимоий ҳаётнинг эҳтиёжларига айлантириш керак. Агар бола оилада турмуш шароитига тозалик, саранжом-саришталикка, тартиб-интизомга ўрганса, у ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам бошқаларга ўрнак бўлади. У ўзида энг яхши инсоний фазилатларни мужассамлаштириб боради, ота-онага ҳам, ўзи ўқиётган у ёки бу мактаб коллективига ҳам фақат фойда келтиради. Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин.

Самарқанд область Нариманов посёлкасида бир оила бор. Посёлка аҳли бу оилани ҳурмат билан тилга олишади. Бунинг боиси оиланинг серфарзандлигида эмас. Балки оила аъзоларининг тотувлигида, бир-бирига меҳрибонлиги, меҳнатсеварлиги ва одамохунлигидадир. Оила аъзоларининг бир-бирига меҳр-муҳаббати, кичикларнинг катталарга иззат-ҳурмати, аъло хулқи ҳаммага ўрнак бўлади. Оила бекаси Раҳима Раҳмонова район газетасида машинистка бўлиб ишлайди. Унинг 12 фарзанди бор, Қаҳрамон она. Оила аъзолари ақлли, одобли, рўзғор ишларини аъло даражада бажаришади.

Бироқ, ўзларини ўта маданиятли деб ҳисобловчи баъзи ота-оналар ўртасида фарзанд тарбиясига лоқайдлик билан қарайдиган шахслар ҳам учраб туради. Бундай кишилар кўпинча ўз ўғил ва қизларининг юриш-туриши, ахлоқ-одоби, ўқиши, хатти-ҳаракати билан қизиқмайдилар. Болаларнинг майлига қараб иш кўрадилар, уларни уй-рўзғор ишларига, меҳнатга ўргатиш билан шахсан шуғулланмайдилар. Натижада болалар ишёқмас, олифта бўлиб ўсадилар, бошқаларни ҳам, ўз ота-оналарини ҳам ҳурмат қилмайдилар.

Жиззах районидаги 19-ўрта мактабнинг ўнинчи синф ўқувчиси Шуҳрат Ҳакимов ёзги таътил пайтида ўзидан кичик бўлган мактабдоши Мамадали Ориповни ҳеч сабабсиз калтаклаган. Шуҳратнинг синфдоши Анвар уни ажратмоқчи бўлганида Шуҳрат Ҳакимов унга пичоқ санчган. Қаттиқ жароҳатланган Анвар касалхонада узоқ ётиб даволаниб чиқди. Шуҳрат Ҳакимов эса қилган жинояти учун тегишли жазосини олди. Хўш, 17 ёшли ўспириннинг жиноятга қўл уришига нима сабаб бўлди? Маълум бўлишича Шуҳрат Ҳакимовнинг тарбияси, ўқиши, юриш-туриши билан ота-онаси сира қизиқишмаган. Уни ўз ҳолига ташлаб қўйишган. Мактаб педагогика коллективи ҳам унинг тарбияси билан шуғулланмаган. Энг ачинарлиси шундаки, Шуҳратнинг опаси Турсуной шу мактабда ўқитувчи бўла туриб, ўз укасининг ёмон йўлга кириб кетишига йўл қўйиб берган. Афсуски, ота-онанинг кўзи жуда кеч очилди.

Ёшлар ўртасида, айниқса балоғатга етмаган ёшлар ўртасида содир бўлаётган бундай жиноий ишларни ўрганиб таҳлил қилиш ва социологик тадқиқотлар ўтказиш шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг ёмон йўлга кириб кетишларига асосий сабаб оилада болаларга нотўғри тарбия берилишидир. Ота-оналарнинг ўзаро жанжаллари, ишёқмаслик, худбинлик, маънавий бузуқлик, ичкиликбозлик сингари иллатлар бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатади.

Болалар ва ўсмирларни оилада ва мактабда совет ватанпарварлиги руҳида, ўз халқи ва ватани олдидаги фарзандлик бурчини чуқур англайдиган қилиб тарбиялаш ишида ҳали бир қанча ҳал қилинмаган муаммолар мавжуд. Ўрта мактабларнинг юқори синфларида совет давлати ва ҳуқуқ асослари фани бўйича дарс бераётган ўқитувчи ва мутахассислар шу фан асосларини ўқувчиларга тўла етказишлари, ўқишни ҳаёт билан боғлаб олиб боришлари шарт. Афсуски, бу предметни кўпинча ижтимоий фанлар мутахассислари эмас, балки бошқа соха кишилари олиб бормоқдалар. Шундай экан, бу ўринда жамиятшунослик, ҳуқуқ-тартибот қоидаларини яхши билмаган ўқитувчилар ўқувчиларга қандай таъсир кўрсата олиши мумкин, деган саволнинг туғилиши табиийдир, албатта.

Ҳар бир мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлик штати бор. Шу лавозимга тайинланадиган шахс мактабдан ташқари таълим-тарбия ишларини ҳам олиб бориши лозим. Улар мактаб студияларида таълим-тарбияга доир ишларни жонлантиришда, суд, прокуратура ҳамда милиция органлари билан яқиндан алоқада бўлиб, улар билан учрашувлар ташкил этиб туришлари ҳам зарур. Афсуски, айрим жойларда мактабдан ташқари ўтказиладиган таълим-тарбия ишлари шу кун талабларига жавоб бермаяпти.

Ҳар бир оилада ота-она кундузи ишга боради, уларнинг фарзандлари эса дарсдан чиққач уйда ёлғиз, қаровсиз қоладилар. Шуни назарда тутиб мактабларда куни узайтирилган группалар ишини яхшиласа, ўқувчилар мактаб стадионларига кенг жалб қилинсалар, бу ерда кўнгил очар спорт учрашувлари тез-тез ўтказилиб турилса, болаларнинг бўш вақтини мақсадга мувофиқ тарзда кўнгилли ўтишига ҳамда тарбиявий ишларни жонлантиришга эришиш мумкин бўларди.

Ота-оналар, мактаб коллективлари, партия ва комсомол ташкилотлари, шунингдек маъмурий органлар, меҳнаткашлар депутатлари, шаҳар ва район Советлари, жамоат ташкилотлари ёшлар тарбияси билан алоҳида шуғулланишлари, барча тарбия воситаларидан фойдаланишлари ва бу ишда ташкилотчилик қилишлари зарур. Шундай қилинганда ёшлар ўртасида жиноятчилик камаяди, қонунбузарлик ҳолларига тўла-тўкис барҳам берилади.

**Қ. СОЛИЕВ,**
**Ўзбекистон ССР Олий судининг аъзоси.**

ИНСОН ВА ҚОНУН

